

Жамолиддин КАРИМОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Илмий тадқиқотлар ва инновацион
лойиҳалар маркази бўлим мудир

Фатво ва унга доир баъзи масалалар хусусида

*...Минтақа шароитини тушунадиган
уламолар чиқмас экан, ихтилофлар
барҳам топмайди...*

Ўзини «мужтаҳид» ҳисоблаб асрлар давомида мусулмон жамоалари эътиқод қилиб келган мазҳаб таълимотларига зид бўлган «фатволар» бераётган, буни «шаръий» фатво деб билган одамлар орасида турли ихтилофларнинг юзага келишига сабаб бўлаётган, ачинарлиси ўз қилмишини диндорлик, уламолик ниқоби билан хаспўшлаётган мутаассиб тоифаларнинг ҳаракатларига бефарқ қараб бўлмайди. Негаки, бу ҳолат кишини тўғри ақида ва мазҳабдан чалғитиши, нотўғри йўлга бошлаши, бир-бирини тўғри англамаган одамлар орасида адоват пайдо қилиши, ҳатто ўта мутаассиб бир кайфиятиинг пайдо бўлишига замин яратади.

Мисрлик сохта салафий оқим раҳнамола-

ридан бири томонидан «мусулмон бўлган такси ҳайдовчисининг насроний руҳонийларига хизмат қилиши – спиртли ичимлик ичиш билан баробар бўлган оғир гуноҳ», экани тўғрисида берилган «фатво» оқибатида зиддиятли воқеалар юзага келган. Қизларнинг физика, математика, жуғрофия каби аниқ ва табиий фанларни ўрганишлари бефойда, деб қаралиши боис уларнинг ушбу йўналишларда таҳсил олишини ман этувчи «фатво» сабаб баъзи давлатларда қизларга ва улар таҳсил олаётган мактабларга нисбатан мутаассиб муҳлислар томонидан тажовуз қилингани, турли жисмоний ва таҳқирловчи ҳуружлар уюштирилиб, талафотлар етказилгани кўпчиликка аён.

Расулulloҳ соллал-



лоҳу алайҳи васаллам: «Фитна уйқудадир. Уни уйғотганни Аллоҳ лаънатласин», деб марҳамат қилганлар (Рофеъий ривояти).

Мутаассиб раҳнамолар томонидан берилаётган бундай «фатво»лар жамиятнинг пароканда бўлиши, хунрезлик ва фитналарнинг авж олишига сабаб бўлади. Фатво берувчи, яъни «муфтий»нинг мақоми барчанинг наздида юқорилиги борасида машҳур фақиҳлардан Имом Карофий шундай дейди: «Муфтийлар Аллоҳ таолонинг таржимонларидир. Чунки улар нассга таянган ҳолда ҳукм чиқарадилар». Имом Шотибий эса: «Муфтийлар уммат учун Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мақомларида бўладилар. Бунга далил қилиб: «Олимлар пайғамбарларнинг меросхўрларидир. Пайғамбарлар динор ёки дирҳам эмас, балки илмни мерос қилиб қолдирганлар», деган ҳадисини келтиради.

Таъкидлаш лозимки, дастлаб фатво бериш мақомида Расулulloҳ (алайҳиссалом) турганлар. У кишининг фатволари Аллоҳ таоло томонидан ваҳий қилинган. Расулulloҳ (алайҳиссалом) билан саҳобалар ўртасидаги суҳбатлар одатда савол-жавоб тарзида бўлар

эди. У зот билганларига жавоб берар, билмаганларига Аллоҳ таолодан шу саволга жавобни билдиришни сўрар эдилар.

Расулulloҳ (алайҳиссалом)дан сўнг саҳобалар, улардан кейин тобеъинлар фатво берганлар. Шундай бўлса-да, фатво беришнинг масъулияти оғир эканини ҳис қилиб, саҳобалардан Умар ибн Хаттоб, Али ибн Абу Толиб, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Оиша онамиз, Зайд ибн Собит, Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) каби санокли кишиларгина фатво чиқарганлар. Ибн Абу Лайло айтадилар: «Расулulloҳ (алайҳиссалом)нинг 120 та ансорларини учратдим. Уларнинг бирларидан савол сўраганимда кейингисига ўтказар, ундан сўрасам у бошқасини кўрсатар эди. Охири айланиб яна биринчи савол берган кишига келдим» (Носир Абдуллоҳ ал-Маймон. Ал-Фатва: хатаруҳа, аҳаммиятуҳа ва мушкилатуҳа фи-л-аср ал-ҳазир. Макка, 2008. Б.16). Ушбу ҳолатда ҳам кўришимиз мумкинки, саҳобалар фатво беришда ниҳоятда эҳтиёткор бўлганлар.

Саҳобалардан сўнг тобеъинлар ёки улардан кейинги даврда яшаган уламолар ҳам фатво беришдан ўзларини сақлардилар. Жумладан, то-

беъинлардан бўлган Шаъбийдан бир савол сўралганда у киши: «Билмайман», деб жавоб қилади. Шунда, одамлар: «Сен Ироқ фақиҳи бўлсанг, «билмайман» дейишга уялмайсанми?!» деганларида Шаъбий: «Фаришталар: «Зоти покнинг ҳаққи, бизда Ўзинг билдирганингдан ўзга илм йўқдир» (Бақара, 32), дейишга уялмаган, мен нега уялай», деб жавоб берган (Абу Абдуллоҳ ал-Ҳароний. Сифат ал-фатва вал-муфти вал-мустафтий. Байрут: ал-Мактаб ал-исломий, 1976. Б. 9).

Ушбу вазифа шарафли бўлишидан ташқари, ўта масъулиятли вазифа экани борасида Имом Молиқнинг «Инсон бирор саволга жавоб беришдан олдин ўзини дўзах ёки жаннатда тасаввур қилсин-да, кейин жавоб берсин», деган сўзлари бунинг ёрқин далилидир. Қолаверса, у киши билан боғлиқ мана бу воқеа ҳаммага ўғит бўлиши лозим.

Имом Молиқдан бир киши савол сўраганда, у зот «билмайман», деб жавоб беради. Савол берган киши «бу осон савол бўлса, шуни ҳам билмайман дейишга уялмайсанми?», деб маломат қилганида имом жаҳлланиб «Осон масала? Билиб қўй, динда осон масаланинг ўзи йўқ! Аллоҳ таолонинг:



«Зеро, Биз сизга оғир Сўз (Қуръон)ни туширажакмиз» (Муззаммил сураси, 5-оят) деган оятини эшитмаганмисан?! Илмнинг барчаси қийин, жумладан, сен сўраган нарсаси ҳам», деган экан. Ҳамма ҳам ҳақли бўлмаган фатво бериш масаласи мусулмонлар ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Унга енгил-елпи қараб, номуносиб, чаласавод, оят ва ҳадисларни бир томонлама талқин қилувчи кимсаларнинг қўл уришлари ҳамфикрлик, ягона эътиқод, тоқатлилиқ ва диний бағрикенглик илдизларига болта уриб, беғуноҳ инсонларнинг қони тўкилишига ҳамда асл таълимоти тинчлик бўлган ислом динининг жоҳиллик, ёвузлик, босқинчилик ва қотиллик дини сифатида намоён бўлишига сабаб бўлувчи омиллардан бирига айланиши мумкин. Шу сабабли, ислом қоидаларига биноан фатво бериш ҳуқуқи ақида ва фикр илмида мукаммал даражага етган, Қуръони каримни тафсир ва турли илмлар билан тўлиқ ёд билувчи, қолаверса, «муфтий» мартабасига эга бўлган муайян шахсларгагина берилади.

Имом Аҳмад ибн Ханбал розиаллоху анҳудан қанча ҳадисни ёдлаган одам фатво бериши мум-

кинлиги ҳақида сўралганда, камида тўрт юз минг ҳадисни билиши лозимлиги айтилган. Ибн Асокир келтирган Расулulloҳ (соллаллоху алайҳи васаллам)нинг «Кимдаким илмсиз фатво берса, унга Аллоҳ таоло, фаришталар, осмону ердаги барча мавжудотларнинг лаънати бўлсин», деган ҳадислари бугунга келиб башариятни ташвишга солаётган баъзи «фатвочи уламолар»нинг чақириқларини шошилмасдан ақл элагига солиш лозимлигини эслатиб турувчи ҳадисдир.

Шу ўринда, бугунги кунда баъзи эътироф этилмаган оқимлар ҳамда шахслар ўз ғаразли мақсадлари, амалиётларини оқлаш йўлида муқаддас ислом номи билан турли «фатволар» бериб келаётганини афсус билан қайд этиш лозим. Жумладан, «жиҳод», «такфир» (кофирга чиқариш), «ҳижрат», «ўз-ўзини ўлдириш» каби масалаларда чиқарилаётган фатволар шулар жумласидандир.

Шунингдек, баъзи тоифалар мансух бўлган ҳадислардан ҳам кенг фойдаланишга уринаётганини таъкидлаш лозим. Жумладан, айрим ашаддий «салафийлик»ка мансуб гуруҳлар қабрларни зиёрат қилишни мутлақ

ширкка чиқармоқда. Уларнинг даъволарига кўра, қабрларни зиёрат қилган одам мусулмончиликдан чиқар экан. Шу билан бир қаторда, баъзи «фатвочилар» томонидан Расулulloҳ (алайҳиссалом)нинг қабрлари устига қурилган гумбазни бузиб ташлаш кераклиги ҳақида ҳам фатволар чиқарилган. Бунинг натижасида баъзи тоифалар ўз даврида Мадинаи мунавварадаги саҳобаларнинг қабрларини бузиш билан кифояланиб қолмай, ҳатто Пайғамбар (алайҳиссалом)нинг қабрларини вайрон қилишга ҳам яқин келган эдилар. Ваҳоланки, қабрларни зиёрат қилиш ислом динида мандуб (мустаҳаб) амал ҳисобланиб, унинг ўзига хос одоби мавжуд. Ўтганлар хотирасини ёдга олиш дунёнинг ўткинчи эканини ҳис этиш, шу орқали кишини бошқаларга зарар етказадиган, гуноҳ ишларни қилишдан сақланиш ва эзгу амалларни кўпроқ қилишга ундайди. Демак, қабр зиёрати инсонлар ўртасидаги ўзаро меҳр-мурувват фазилатларини кучайтирувчи воситадир. Зиёратчининг дуо фотиҳасидан эса, қабрда ётганлар баҳраманд бўлади.

Маълумки, исломдан аввалги жоҳилият даврида қабрларни улуғлаш,



уларга сиғиниш авж олган эди. Шунинг учун ҳам, Муҳаммад (алайҳиссалом) дастлаб — мусулмонлар бутпарастлик ва ширк асоратларидан батамом покланиб улгурмаган, тавҳид тўлиқ қарор топмаган бир пайтда кишиларни мазкур амалдан қайтарган эдилар. Ислом бутунлай қарор топгандан сўнг, Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) охиратни эслатишини инобатга олиб, қабрларни зиёрат қилишга изн бердилар. Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда: «Мен сизларни қабрларни зиёрат қилишдан қайтарган эдим. Энди қабрларни зиёрат қилаверинглар. Чунки у қалбни юмшатади, кўзни ёшлатади ва охиратни эслатади», деб марҳамат қилинган.

Бугуннинг кишини ташвишга солувчи воқеаларидан яна бири, сунъий алоқа йўлдошлари орқали дунё узра тарқатилаётган турли оммавий ахборот воситаларининг телерадио узатувлари, интернет оламидаги ижтимоий тармоқлар, тасвирли, овозли, мактуб ёзишга ҳамда жўнатишга мўлжалланган алоқа воситаларининг турли иловалари воситасида фатво бериш амалиётининг авж олаётганидир. Юксак технология тараққиётининг инсоният

ҳаётидаги ўрни ва ролини инкор қилмаган ҳолда айтиш мумкинки, бундай ҳолларнинг аксариятида фатво берувчи фатво сўровчининг ҳолати ёки вазияти тўғрисида маълумотга эга бўлмаган тарзда ҳукм этиши нафақат жамият, балки муқаддас динимиз ислом учун ҳам таҳдид омилига айланади.

Негаки, дунёда миллиарддан зиёд мусулмон бўлгани билан мазҳаблари турли-туманлиги сабаб оқибати пухта ўйланмай чиқарилган «фатво»лар натижасида тушунмовчилик ва низоларнинг пайдо бўлишига замин яратилади. Ваҳоланки, фикҳ китобларида қайд этилишича, муфтий юксак илм соҳиби бўлишидан ташқари, макон ва замон воқелиги, мавжуд шарт-шароитдан хабардор бўлиши зарур. Бу борада АҚШдаги Миллий масжид президенти ва имоми Толиб Шариф Ўзбекистон халқаро ислом академияси талабалари билан бўлиб ўтган учрашувда шундай деган эди: «...Фатво бериш учун мукаммал билим талаб этилади. Қолаверса, муайян мамлакат шарт-шароитларини билиш ҳам лозим. Муаммо шундаки, араб мамлакатларидаги муфтийлар АҚШ ёки Европа мусулмонларига фатво

берадилар. Ҳолбуки, улар ўша мамлакат шароитини билмайдилар. Мисрда ўқиган пайтларимда устозим Шайх Аҳмаддан: «Миср муфтийлари АҚШликлар учун бераётган фатволар муаммолар келтириб чиқармоқда. Нима қилиш керак?», деб сўраганимда, Шайх менга «Токи ўзингиздан, ўша минтақа шароитини билладиган муфтий чиқмас экан, бу муаммолар давом этаверади», деб жавоб қилган эди».

Шундай экан, фатво талаб қилувчи илмда мукаммал, мурожаат қилувчининг яшаш тарзи ва шарт-шароитидан яхши хабардор бўлган уламога юзланиши ўзини ҳам, атрофдагиларни ҳам турли мусибатлардан сақлашга қаратилган яхши бир чора эканлигини доимо ёдда тутиши лозим.

